

Хушхабар: Наманганда «Юсуфхон ўғли Қосимхон» масжидида илк жума намози адо этилади



12:11 / 19.03.2021 2278

Бугун Наманган шаҳридагилар учун катта байрам. Чунки ушбу шаҳарда янги қурилган «Юсуфхон ўғли Қосимхон» жоме масжидининг расмий очилиш маросими бўлиб, масжид қавми илк жума намозини адо этишади.

Кеча, 18 март куни Наманган вилояти Адлия бошқармаси ходимлари «Юсуфхон ўғли Қосимхон» жоме масжидини давлат рўйхатидан ўтказди. Бугун эса жоменинг очилиш маросими ўтказилади ва масжид ходимларига гувоҳнома топширилади.

Наманган шаҳрининг «Афсоналар» боғи ҳудудида қад ростлаган янги масжиднинг сиғими 4500 нафар намозхонни қамраб олади. Шу билан Республикамиздаги масжидлар сони 2085 тага, Наманган вилоятида эса 189 тага етди.